

К П С С
МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ
ИЮЛЬ
ПЛЕНУМИ
ҚАРОРЛАРИНИ
АМАЛГА
ОШИРАМИЗ

КПСС XXIV СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 185 (4432) | 17 сентябрь 1970 йил, ПАШАНБА | Баҳоси 2 тийин.

БЎКАЛИК САБЗАВОТ- КОРЛАР ҒАЛАБАСИ

Бўка районининг қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари беш йилликнинг сўнгги йилини муваффақиятли якунлаш ва партиянинг навбатдаги XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Бу йил сабзавот экинлари, мева-чева ва полиз экинлари ҳосили ҳар йилгидан ҳам мўл бўлди. 15 сентябргача бу районда сабзавот тайёрлаш йиллик плани 102 процент, мева тайёрлаш плани 119 процент ва полиз экинлари маҳсулотлари тайёрлаш плани 101,9 процент бажарилди.

Деҳқонлар пиландан ташқари маҳсулот сотишни давом эттирмоқдалар.

ЯНА 800 ТОННА МАҲСУЛОТ УЧУН

Янгийўл районидagi Свердлов номли колхознинг моҳир сабзавоткорлари катта зафарга эришдилар. Улар тайёрлов пунктларига пиланди 2000 ўринга 2066 тонна сабзавот топшириб, йиллик планини муваффақиятли адо эттишди. Шу жумладан, пиланди 400 ўринга 493 тонна полиз экинлари маҳсулоти топширилиб, бу соҳасдаги планини 123 процент, 68 тонна ўринга 147 тонна мева топширилиб планини 217 процент адо этдилар.

Колхоз сабзавоткорлари даладаги қолган ҳосилни қалалаб кўриб, яна шаҳар меҳнаткашларига 500 тонна сабзавот, 200 тонна полиз экинлари маҳсулоти ва 100 тонна ширин-шакар мевалар етказиб бериш учун қўшимча социалистик мажбурият олишди. Уларнинг бу социалистик мажбуриятни опшириб бажаришлари партиянинг XXIV съездида муносиб соғалари бўлади.

БУТУН КУЧ — ПАХТА ТЕРИМИГА!

Қишлоқ хўжалиги ишлари кундалиги

ХАММА ДАЛАДА, ПАХТАЗОРДА БЎЛДИ

Областимиздаги деярлик ҳамма колхоз ва совхозларда пахта қўйғос очилиб кетди. Сифатли дефолиация қилинган майдонларда «зангори кема»ларнинг кенг фронт бўйлаб ишлаши учун имконият яратилди. Оққўрғон, Бўка ва бошқа районларнинг механик-ҳайдовчилари бункерлардан дастлабки тонналарни тўқдилар. Бу районларнинг колхоз ва совхозлари машина теримини кучайтириш учун барча тижониятларни ишга солимоқдалар.

Сентябрнинг иккинчи ярми бошланди. Бироқ ҳали бир неча районларда машина теримига киришилган эмас. Вант ўтиб бораётганига қарамай, Бекобод, Янгийўл, Юқори Чирчиқ районларида дефолиация қилиш ҳали ҳам тугалланмаган. Бекобод райони плани 55,7 процент, Янгийўл райони 64,3, Юқори Чирчиқ райони 76,0 процент бажарди. Бу районларнинг баъзи хўжаликлариде сўрат бундан ҳам паст. Бу аҳволга мўлақоқ чидаб бўлмайдиган. Район раҳбарлари, хўжаликларнинг бошлиқлари ишда кескин бўрилиш ясашлари, дефолиацияни қисқа муддатларда сифатли ўтказиб, йиллик-терим сўратини тездаштириш учун барча тадбирларни кўришлари лозим.

Шуни айтиш керакки, ҳосилнинг учдан бир қисми қўлда терилди. Қўлда теримини кучайтириш учун ҳамма ерда шарт-шароит вужудга келди. Пахтазар яхши очилди. Афсуски, пахтаси қўлда терилган майдонларда иш сўратига қўйқорлик эмас. Пиланда белгиланган қишлоқ далада сафарбар қилинмаган. Бундай аҳволни айниқса Янгийўл райониде кўриш мумкин. Бу районда терим сўратини ошмаётганлигига асосан сабаблардан ҳам бири шундаки, далада теримчилар онда-сонда кўринадилар. Колхозларнинг раҳбарлари, партия ташкилотларининг секретарлари бутун кунини пахта теримига сафарбар қилиш тўғрисида қайғурмаётдилар. Бу районнинг раҳбарлари ва хўжалик бошлиқларига бизнинг бир саволимиз бор: республиканинг пешқадам областлари планини 40 процентдан опшириб қўйдилар. Ҳар кун 3,5 процентдан ортқ пахта топширмоқдалар. Ахир сизлар қачон ишга киришасизлар, қачон сўратга сўрат қўшасиз ва планини қачон бажаришасиз?

Оққўрғон ва Ўрта Чирчиқ районлари ҳосилнинг асосини қисминини машинада термоқчилар. Бу яхши. Лекин қўлда терилган майдонлар ҳам бор-ку. Бу районларда ҳам қўлда теримга эътибор берилмаптир. Колхоз ва совхозларда терим мавсуми учун белгиланган ишчи кун сафарбар қилиш плани бажарилмаптир. Ҳосил пишиб етилганга қарамай, қўлда теримни қонқарсиз бормоқда. Баъзи хўжаликлардаги аҳволга мўлақоқ чидаб бўлмайдилар. Бевоқиф пахта теримини мумкин бўлган қишлоқ бошқа ишлар билан байл. Пахта термоқчиларининг ҳам иш унумини паст. Кунлик терим нормасини ҳамма ҳам бажарилти деб бўлмайдилар. Ишчи кўчаларини теримга сафарбар қилиш бошқа районларда ҳам қонқарли эмас.

Областимизда қўлда терим сўратининг пастлигига ҳеч қандай асос йўқ. Пахта очилган, ишчи кўчалари етарли. Ҳамма гап ишда юксак маъсулият, ниятсиз ва ушшоқликка бағлиқдир. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ишга яроқли бутун кунини пахта теримига жалб этишлари, ҳар бир теримчининг кундалик нормани опшириб бажаришга эришишлари лозим. Шу билан бирга теримчиларга тегишли маданий-маиший шароитларни яратиб бериш, уларнинг унумли ишлаши учун ғамхўрлик қилиш, бригада ва звенолар, теримчилар ўртасида социалистик мусобақани кучайтириб, иштарлар тажрибасини кенг опмалаштириш ва рағбатлантириш лозим.

Областимиз пахтакорлари, район партия, совет, касабасоюз, комсомол ташкилотлари раҳбарлари, колхоз ва совхозларнинг ҳамда қишлоқ хўжалик органларининг бошлиқлари! Пахта теримига кескин бўрилиш асайлик. Сўратга сўрат қўшайлик. Бутун кунини, техникани теримга сафарбар қилиб кунлик ўсиш ва йиллик плани бажаришда юксак кўрсаткичларга эришайлик. Областимиз пахтакорларининг янги мажбурияти — 368 минг тонна! Бу юксак марра. Давлат плани ва социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажариш ҳаммамизнинг Ватан олдидаги бурчимиздир.



СУРАТЛАРДА: (юқоридан пастга) Ўрта Чирчиқ районидagi Свердлов номли колхознинг чевар теримчилари (чапдан) Зарифа Умарова ва Ҳабиба Мирзабекова ўртоқлар. Улар ҳар кун колхоз хирмонига 150—170 килограмдан «оқ олтин» тўкишляпти. Бу қизлар мавсумда 7 тоннадан пахта теримга аҳд қилишган. Ўртадаги суратда Оққўрғон районидagi «Ленинобод» колхозининг звено бошлиқларидан механизатор Фахриддин Эгамбердиевдир. У ўзига бириктирилган 53 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пиланди 26 ўринга 35 центнердан ҳосил кўтариш учун курашиб мавсумда «зангори кема» бункеридан пиланди 150 ўринга 200 тонна «оқ олтин» тўкишга сўз берган. Пастдаги суратда (чапдан) опа-сингил Мисна ва Ханна Фахриевалар Ўрта Чирчиқ районидagi «Партия XXII съезди» колхозининг хирмонига муносиб ҳисса қўшаётган илгор теримчилардан. Опа-сингил ўзаро мусобақалашиб мавсумда 7 тоннадан пахта теримга аҳд қилиб ишлашляпти. Уларнинг ҳар кун терган «оқ олтин» 130—140 килограмдан тош босмоқда.

А. АБАЛАН фотолари.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЛУБ ТАЙЕРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 16 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Йиллик планга нисбатан процент ҳисобида).

Ўрта Чирчиқ	5,6	110,9
Янгийўл	3,1	66,6
Оққўрғон	3,2	63,3
Юқори Чирчиқ	3,1	57,2
Бўстонлиқ	1,6	55,5

Область бўйича 3,2 62,6

«ОҚ ОЛТИН» БУНЁДКОРЛАРИ

Бепосн пахтазорларимиз шу кунларда ҳусна тенгсиз. Ўрта бажордан ҳаракат қилиб, катта мақсад билан ерга чигит қадаган деҳқоннинг ғалвирини сувдан кўтаридиган вақти етиб келди. Ўзга тулларида олтин кўзачаларни ослатувчи кўсаклардан мўраб тўрган лўппи-лўппи момиқ пахталар беихтиёр мафтун этади.

Мана, Бўка районидagi Охунбобоев номли колхоз пахтазорлари. Ўзгалар гўё қўлда ясалгандек чирой очиб турибди. Уларнинг бўйи ҳам, эни ҳам бир хилдек тўлолади. Туплардаги ҳосил чўғлари ҳам бир-бириникига ўхшаш. Ҳар бир тўда 9—10 тадан бўлиқ кўсак чаман-чаман очилиб ётибди.

— Бу карталар хўжалигимиз фахри — Исфихон Сардоров бошлиқ бригадига қарашли. — дейди колхоз правленисининг раиси Халиқул ака Абдуқулов. — Бригада аъзолари улкан пахта хирмонимизга ҳар йили катта ҳисса қўлиб келишляпти. Уларнинг юбилей йилидаги мажбуриятлари ҳам катта. Миришкорлар мажбуриятга яраша ҳосил етиштиришди.

Ранс айтганидек, бригада пайкалларидagi ҳосил мажбуриятга яраша. 173 гектар ерга чигит экилиб, эрта қўлкадан баракали меҳнат қилинди. Ўзга вақтида озиқлантирилди, талабига қараб сугорилди. Меҳнат мана энди юзага чиқиб, тупларда етиштирилган кўсакларда ўзини кўз-кўз қиялпти.

Бригада пахтакорлари мавсумда пахта майдонларининг ҳар гектаридан 24 ўринга 30 центнердан «оқ олтин» етиштиришга сўз берилган.

Колхозда Исфихон ака каби бошқа миришкор бригада бошлиқлари бор. Нодир Тошев ҳам шулар жумласидан. У беш йилликнинг сўнгги йилида ўзга қарашли 115 гектар майдонининг ҳар гектаридан пиланди 20 ўринга 25 центнердан ҳосил олишга сўз берган.

Колхоз пахтакорлари барча мамлакатимиз қишлоқлари каби юбилей йилини муносиб зафарлар билан якунлашга аҳд қилишган. Партиямиз — Марказий Комитетининг июль Пленумидagi ўртоқ Л. И. Брежнев қилган доклад ва Пленумда қабул қилинган қарорда пахтакорлар олдида жуда катта вазифалар қўйилди. Жумладан, ҳар гектар ердан фойдаланишни яхшилаш, ҳосилдорлиқни кескин опшириш кўзда тутилди.

Колхоз пахтакорлари шунга жавобан ўзга ишлов беришда қўшимча тадбирлар кўриб, ўзга тулларида етарли ҳосил тўпладилар. Оқибатда хўжаликнинг 1450 гектар пахта майдониде мўл «оқ олтин»га замин ҳозирлашиб, барча пахта майдонининг ҳар гектаридан 20,5 ўринга 24 центнердан ҳосил кўтариш мўл-жаллашляпти.

Колхоз бўйича 3400 тонна ҳосилнинг 2400 тоннасини маишлардан бункеридан тўкишга аҳд қилинган эди. Яқинда бўлиб ўтган район меҳнатки-ҳайдовчиларининг сўлтада колхоз пахта терим машиналарининг механизаторлари ялпи ҳосилнинг 2800 тоннасини «зангори кема»лар билан териб олиш ҳақида янги социалистик мажбурият олдилар.

Маълумки, етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда ушоқлик билан йиғиб-териб олиш ташкил қилинмаса, маҳсулотнинг бир қисми ёгин-социалларда йўқолиб кетиши мумкин. Колхозчилар ана шунга ҳисобга олиб, теримга яхши тайёргарлик кўрдилар. Машина ва қўлда кунлик пахта терим нормаси белгиланиб, график тузилди.

— Илгари, — дейди колхоз раиси, — бир кунликда йиллик планга нисбатан 2—3 процент ўшшга эришсак, бу катта воқеа ҳисобланарди. Энди бу оддий воқеага айланб қолди. График бўйича пахта қўйғос очилган кунлари планга нисбатан 6—7

процент миқдориде пахта топшириш учун ҳамма тадбирлар белгиланган.

Колхозда тузилган графикка биноан, пахта тайёрлаш йиллик планини 10 октябргача бажариш белгиланган. Бунинг учун колхозчилар ўртасида социалистик мусобақа шартлари ишлаб чиқилди. Пахта йиғим-теримда иштирок этадиган 39 та «зангори кема»ни 1,5 сменада ишлатиш таъминланади. Бунинг учун ҳар икки терим машинаси-га 3 нишидан иборат механик-ҳайдовчи бириктирилиб, уларнинг ҳар бирига сменада икки тоннадан пахта терим нормаси белгиланди. Агарда улар нормани бажаришса, белгиланган ҳаддан опшириб бажарган ҳайдовчиларга ош бир ярим барабар ҳақ тўланади. Қўлда пахта теридиган колхозчиларга ҳам мавсум нормаси икки тоннадан белгиланган. Агарда улар ҳам шу нормани опшириб бажаришса бир ярим барабардан ҳақ олишляпти.

Бундан ташқари, улар ўртадаги социалистик мусобақадe ҳар беш кунда бир марта якун ясалди. Энг юқори кўрсаткичга эришган механизаторга пул ва турли мукофот берилди. 5 октябргача йиллик плани бажаришга эришган звено ва бригада аъзолари пул ва қимматбаҳо мукофотлар билан таъдирланладилар.

Дастлабки кунданон, 570 колхозчи отак тутиб, ишга киришди. Шу кунги йиллик планининг ярим проценти миқдориде пахта терилди. Бу сўрат кундан-кунга кўтарилиб бормоқда.

«Зангори кема»лар ҳам иш бошлашди. Колхоз пахтакорларининг шу кундаги ғайрати 10 октябргача пахта тайёрлаш планини ва мажбуриятни бажаришга қаратилган.

А. МИРЗААХМЕДОВ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ АКТИВИ ЙИҒИЛИШИ

Кеча Тошкент шаҳар партия ташкилотини йиғилиши йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Республика партия активининг йиғилишининг якунлари — ҳамда социалистик мажбуриятларни бажариш бўйича шаҳар партия ташкилотининг вазифалари ҳақида Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари ўртоқ С. Р. Расулов доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Ҳамза район партия комитетининг биринчи секретари Т. Эргашев, 153 қурилиш трести бошқарувчиси Т. Набиев, Фрунзе райони ижроия комитетининг раиси С. Абдурахимов, «Тошкентгазель» заводининг прессловчиси В. Ф. Назаров, Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонт заводи партия комитетининг секретари К. Г. Гвездилдов, «Ташсельмаш» заводининг директори И. Х. Мусин ўртоқлар иштирок этдилар.

Шаҳар партия активини муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди.

368.000 тонна пахта учун

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЕРЛАШ ВА ДЕФОЛИАЦИЯНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1970 ЙИЛ 16 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Пиланди нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда тайёрланган пахта	Мавсум бошидан буён тайёрланган пахта	Дефолиация қилинган майдон (гектар)	Пиланди нисбатан процент
Бўка	1,88	7,47	45421	129,8
Бекобод	1,07	5,90	11691	55,7
Оққўрғон	1,78	5,87	45700	157,6
Оржоникизде	1,16	5,41	—	—
Ўрта Чирчиқ	1,08	5,34	26613	115,7
Янгийўл	0,95	5,02	14783	64,3
Юқори Чирчиқ	0,30	0,82	5318	76,0
Область бўйича	1,32	5,64	149526	106,8

КАЛИНИН РАЙОНИДАГИ НАВОНИ НОМЛИ КОЛХОЗ

дала шийонлариде колхозчиларнинг мадания дам олишлари учун қўлай шароит яратилган. Хўжаликдаги дала шийонлариде сабзавоткорлар учун иссиқ овқат ташкил этилган. Шунингдек, бу ерда радио тингаш, газета, журналларнинг янги сонлари билан танишиш, шахмат-шашка ўйнаш мумкин.

А. АБДУСАМАТОВ,
З. ИГИТАЛИЕВ.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

Ҳамидулла Икромовни БЎС-ТОНЛИҚ РАЙОНИДАГИ 13-БЎСТОНЛИҚ СОВХОЗИ ишчилари тажрибали деҳқон, уста сабзавоткор сифатида ҳурматлашляпти. У хўжаликдаги ҳар кеска сувчилардан бири ҳамдир. Сабзавотдан мўл ҳосил етиштиришда унинг хизматлари катта. Шунинг учун ҳам уни Сотиболди Шокорев бошлиқ бригада ишчилари ўзларига устоз деб билишляпти.

Ф. АХМЕДОВ.

Ҳозир соҳибкорларнинг вақти тиз. Улар боларда пилиб етилган олма, узум, олхўриларни йиғиб-териб, шаҳар меҳнаткашларига тортиқ қилишляпти. БўКА РАЙОНИДАГИ ОХУН-


ЖДАНОВ НОМЛИ КОЛХОЗ

лубкорлари «оқ олтин»дан юқори ҳосил олишда Бўстонлиқ райониде пешқадамлик қилмоқдалар. Хўжалик деҳқонлари 225 гектар майдонда биринчи йили канопдан мўл ҳосил етиштиришди. Ҳозир ҳосилни йиғим ишлари қизиг олб боришляпти. Далада 13 та «ЛС» маркали каноп йиғим агрегати ишломда. Гектаридан олшаётган ҳосил сца 180 центнерга етказилмоқда.

З. МАСАТОВ.



САМАРҚАНДИНИНГ 2.500 ЙИЛЛИГИГА



Ҳақиқат аниқ ва навқирон Самарқанд шаҳрида тарихий ёдгориқлар беҳисобдир. Уларнинг ҳар бири минг йиллик тарихга эгадир. Суратда: бутун дунёга маъмул ва машҳур бўлган Регистон майдонида салобат тўкиб турган муҳташамбинолардан бири—Шердор мадрасаси тасвирланган. Охири йиллар ичда шаҳар марказида қўлаб турар-жой бинолари, муассаса, жаннин хизмат кўрсатиш комбинатлари барпо этилди. Раёон йўллари қўриб битказилди. Қўлаб болалар боғчаси кичикитойлар хизматига бўлмоқда.

Чалдаги суратда: шаҳарнинг энг гавжум жойларидан бири — темир йўл вокзалида доҳимиз В. И. Ленинга ўрнатилган ҳайкал. А. Аббасов ва Ғ. Расулов фотолари.

НАВҚИРОН ЁШЛИК КУЙЛАЙДИ

Дўстлар, дугоналар, инсон ўзининг энг гўзал, даразати, ҳис-ҳаяжонларига тулиқ даври—навқирон ёшликни қадрланг. Бир дақиқа ҳам зос кетмасин. Порлоқ, истиқболли келажакка замин тайёрланг. Ёшлик шу урини суриг, ўйнаб кўлинг.

Таниқли саҳна артисти, ҳуш-овоз хонадан Галия Тохтарбоева томонидан ижро этилган «Навқирон фасл» қўшиғи ана шундай бошланади. Бу қўшиқ йиғит ва қизларни ёшлик фаслини қадрлашга даъват этиб, улар ўртасидаги самимий муносабат, пок муҳаббатни мадҳ этади. Галия ҳар бир қўшиқни ниҳоятда севиб, берилиб ижро этади. Шунинг учун ҳам томошабинлар бу хонаданнинг ижодига юксак баҳо бериб келишмоқда.

Галия Қозғистон ашула ва рақс ансамблининг ётақин хонанасидир. У ёш бўлсада ўзининг янграқ ва ёқимли овози билан беҳисоб санъат ихлосмандларининг хурматини қозониб келмоқда. У биргина Қозғистондагина эмас, балки иттифоқимизнинг қўлаб республикаларида гастролларда бўлган. Унинг репертуарининг асосини ёшликни қўй-

ловчи лирик қўшиқлар ташкил этади. Галия бир қатор ёш ижрочилар фестивалларида қатнашиб, юксак мукофотлар олишга сазовор бўлган.

Шу кунларда Қозғистондан келган ашула ва рақс ансамблининг коллективи пойтахтимизда меҳмон бўлиб турибди. Шаҳар «Билимлар уйи» да бу изданувчан коллективнинг гастроллари мувоффақият билан бормоқда. Ансамблда Галия Тохтарбоева каби ҳушовоз хонаналар қўлаб топилади. Д. Самарбоева, А. Мамбетов, Е. Вильдсвард ана шулар жумласидан. Бу ёш ижрочилар қозғи халқ қўшиқлари шунингдек, совет ва чет эл композиторлари асарларини ўрганишган. Улар она-Ватанини қўйловчи, қаҳрамонликка даъват этивчи, ёшларни жасоратга чорловчи қўшиқлар ҳам ижро этишади.

—Ашула ва рақс ансамбли — деди суҳбатда артист К. Абдухалимов. — Бундан икки йил муқаддам Олмаота шаҳрида ташкил топган. Шу қисқа муддат ичда биз республикамизнинг қўлаб шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, концертлар билан қатнашдик. Иттифоқимизнинг ўнлаб марказий шаҳарларида гастролларда бўлдик. Коллективимизнинг чиқишларини томошабинлар катта қизиқиш билан қарши олишмоқда. Мана, уч кундирки, серкўёш Тошкент шаҳрида меҳмон бўлиб турибмиз. Санъат ихлосмандлари ансамбль қатнашчилари томонидан ижро этилаётган ҳар бир қўшиқ ва музикаларини самимий қарши олишмоқда. Фурсатдан фойдаланиб концертларимизда иштирок этаётган шаҳарлик томошабинларга коллективимиз аъзолари номидан миннатдорчилик изҳор этмоқчиман.

И. ЮСУПОВ.

ДАРСХОНАДА — РЕЖИССЕРЛАР, СОЗАН- ДАЛАР, КУТУБХОНАЧИЛАР

Республика ишчи ва қишлоқ ашулалари бадий ҳаваскорлиги раҳбарларидан, халқ театраларининг режиссерларидан эллик киши Ўзбекистон маданият хоналари, малакасини ошириш институтининг дастлабки студентлари қилиб қабул этилди.

Малакани ошириш институти бутун йил мобайнида ишлаб туради. Беш йил ичда Ўзбекистондаги маданий оқартув муассасалари, музика мактаблари ва билим юрталарининг ҳаёмиа ходимлари бунда тахсил кўрадилар.

(ЎзТАГ).



СУРАТЛАРДА: юқоридан пастга ансамблининг ҳушовоз хонадаларидан Г. Тохтарбоева, А. Мамбетов ва Д. Самарбоевалар қўшиқ ижро этишмоқда.

Н. Меламед чизган расмлар.

«МЕҲРИБОН» ОТА-ОНАЛАР

Олди эндигина ўн саккиз баҳорни кўрган тўрт нафар ўсмир кўлини орқасига олган ҳолда, бошини қўйи солиб суд залидан чиқди. Уларнинг «меҳрибон» оналари, «ағамхўр» оталари кўз ёшларини артиб, кузатиб қолишди.

Ҳа, улар ўз қилмишларига яраша турли муқддатлар билан ахлоқ тўзатиш учун қамоқ жазосига тортилишди. Сабаби—давлат жамоат ва шахсий қишлоқларнинг мулкни ўғирлаш билан шугулланиб келишган.

Мен бу «ёш ўғиллар» жиноятини қандай содир қилганлигини ва у нимадан иборат эканлиги ҳақида сўз юритмоқчи эмасман. Мен шу жиноятнинг келиб чиқишининг баъзи сабаблари ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини газетхонлар билан баҳам кўрмоқчиман.

Кўп йиллик тажриба, суд ва тергов органларида олиб боришган ишларимдан шунинг кўрсатдики, ёшларнинг эгри йўлга кириб қолишига кўпинча оила тарбияси за улар тушиб қолган муҳит сабаб бўлади.

Ёш низоҳини жамиятимиз учун фойдали қилиб ўстиришда оила тарбияси муҳим роль ўйнайди. Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман. Бундан бир неча йил муқаддам М. исмли ўртоғимнинг уйига боргандим. Шунда ўртоғим мактаб ёшидаги ўғлини қаттиқ койиб тургани устидан чиқдим.

—Бола-да, бу гал қачиринг, даси,— деди онаси ўғлини ҳимоя қилиб.

—Ўртага тушма,— деди ўртоғим, хотинини жериниб,— насихатга унамапти. Шунга ўхшаб номаъқулликни учинчи бор қилиши Шундай кетибсиз, келажакда эгриқўл бўлиб қолади. Бунақа фарзанд кимга керак!

Мухтор Чорсуади ошхонадан икки дона бўш бутилка олиб, уга лига морозено олиб еган экан. Бу «арзимас» воқеага ўртоғим «бола-да» деб қарамади. Аксинча бу ҳолини у қаттиқ қоралади ва ўғлининг иккинчи бор бундай иш қилмаслигини тўшунтирди.

Ҳозир шу танишимнинг тўрт ўғли, икки қизи бор. Уларнинг бири инжнер, бири доктор ва бошқа турли насаб эгалари бўлиб етишди. Ҳаммаси ақли-қуши. Ота-она фароғатда. Бош ўғли «шўх» Мухтор эса еттинчи разрядли уста, ўз хунарининг моҳири, илгор қурувчи. Касбдошлари ўртасида хурмат баланд. Мухторнинг ёшлигида тарбиясига «бола-да» деб бефарқ қаралганда, эҳти-мол ота-она жабрини тортарди.

Афсуски, баъзан шундай ота-оналар ҳам учрайдики, улар ўз фарзандларининг тарбиясига бефарқ қарайдилар, талабчанлик қилмайдилар, эри ва тантиқ қилиб ўстирадилар. Ножўя хатти-ҳаракатларини «ақли кириб, қўй-

либ қолади» деб қораламайдилар. Инсон дунёга бегубор бўлиб келади. Ёшлигида тили ҳам ширин, хатти-ҳаракати ҳам қиёрий ва ёқимли бўлади. Ленин, ҳаммаша шундайлигига қолавермайди. Емон муҳит, емон тарбия кишини инсон номига доғ туширадиган номаъқул хатти-ҳаракатлар қилишига олиб келади.

Икки йил муқддат билан ахлоқ тўзатиш уйига ҳукм этилган 16 ёшли Виктор Михайлович Ашеҳмин ҳам онлада емон тарбия кўрди. У бир кунни қўшиқнинг кўрсатини ўғирлаб чиққанда онаси К. С. Ашеҳмин унинг бу ноқўя ишнинг қаттиқ қоралаб, бунинг оқибати нима билан тугагини тўшунтирмади. Аксинча, уни қўлаб-қуватлади. Қўрагани сўйиб бозорга олиб бориб сотди. Боланинг биринчи бор босган эгри қадами она томонидан рағбатлантирилди. Натияжада бола аста-секин жайда ўтириқдан татарақ жинсат қилишга журъат эта бошлади. Никит, жамиятимиз қонун билан В. М. Ашеҳмин жинсий жавабгарликка тортиди.

Махсуд Иброҳимов ҳам ахлоқсиз болаларга қўшилиб, 9-синфда ўқиниш ташлади. Ўзу-ку дайдик бозорда. Ота-она унинг юриш-туриши, ўқини билан мутлақо қизиқмади. Райондаги 132-мактаб маъмурияти, синф раҳбари ҳам бола-нинг тақдирини билан қизиқмади.

Йўловчи бўш қўйилган Махсуд ўғилдан кўчасига кирди. Мана бугун унинг отаонаси ҳам кўз ёши қилиб суд залидан чиқди.

Юқорида жиноят содир қилган ўсмирлар В. П. Смазиликин, Ю. С. Бедриларнинг ҳам онладаги тарбиясига назар ташлар эканмиз, шундай ачинадир, қўнгилсиз манзарани кўрамиз. Кези келганда шунинг айтиш керакики, бу ёшларнинг ота-оналари ўз болаларини жамият учун фойдали, соғлом фикрли, меҳнатсевар киши қилиб етиштиришдек ўз шарафли бурчларини унутиб қўйганлар. Улар эндиликда ўз кўз ёшларининг дудув тўкилишига ўзлари айбдор эканликларига тўшуниб етишлари керак.

Дона халқимиз «болани ёшлиги, дай асра, низоҳини бошидан», дейди. Ёшларни жиноят содир қилишга йўл кўймаслик учун уларни ёшлигидан турғи тарбиялаш керак. Бу соҳада айниқса оила тарбияси, ота-она катта роль ўйнайди. Ёшларнинг замонамиз талабига, руҳига монанд, соғлом, ахлоқли пок, ростгўй, меҳнатсевар қилиб тарбиялашди. Мактаб, жамоатчилик, қолаверса, ҳар бир совет кишининг муқаддас бурчи.

К. ЖАЛИЛОВ,
Калинин район прокурорининг ёрдамчиси, биринчи класс юристи.

МУҚДАТИДАН ИЛГАРИ

«Ўзбекгазидроэнергострой» трестининг разрез қурилиш бошқармаси коллективи қурилиш-монтаж ишлари бўйича беййиллик план топшириқларини 20 августда шараф билан бажардилар. Қурувчилар Тошкент ТЭЦи ҳамда Ангрен ГРЭСида янги қувватларни ишга туширдилар, шаҳарни ободонлаштириш бўйича катта ҳажмдаги

ишларни бажардилар. Ишчиларнинг беш йил ичидида меҳнат унумдорлиги 80 процентга ортиб, пландан ташқари 220 минг сўм ортинча даромад қилинди.

Рационализаторлар ҳам самарали меҳнат қилдилар. Янги техниканинг ишлаб чиқаришга жорий этилишини натижасида давлатнинг 827 минг сўм маблағи тежаб қилинди.



Н. ТУРАЕВ фотоси.

С О В Х О З

ЯНГИЛИКЛАРИ

ПАРРАНДА ГҲШТИ КУПАЯДИ

Қурқачилини йилдан-йилга юксалтириб бораётган «ХИМН» СОВХОЗИДА ўрдақчилик фермаси ташкил қилиниши ирришланди. 10 минг жўна учун жўй тайёрланди. 2000 она ўрдақ учун суз ҳавзалари ташкил қилиниши, Украинадан 20 минг лона ўрдақ тухуми олиб келиниши, йил охиригача совхоз ақли аҳоли учун дастлабки маҳсулот—ўрдақ гўштини етказиб берадилар.

КҲРҚАМ БИНОЛАР

Марказда янги қишқи клуб битказилди, ишга туширилди. Шу қатори 400 ўринли ёзги кинотеатрнинг пардоз ишлари ҳам низоҳинга етиб қолди.

Совхоз қурувчилари кунин неча марназда инжита турар-жой биносини фойдаланишга топширдилар. Қулайликлари бўлган, ҳар бири беш хонали бу уйларда яқин кунларда ҳовли тўйларини бўлад.

2500 БОШ ҚҲРҚА

16 гектар ерда қад кўтарайотган қурқачилик фермасида яна бир меҳанизацияланган бўлим ишга тушди. Бунда 2500 она қурқачи бўлиб, ҳаёмиа иш механизацияси яримасига юлганган. Ушн совхознинг Сароҳимие бошлиқ қурувчилари амалга оширадилар.

И. РУСТАМОВ,
А. ҚОРАБОВ,
Ормонинидега райондаги «ХИМН» совхозини.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Деклама ва эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КҲРСАТИДИ

18.25 — Қўрсатулар програм. маси.

Рус тилида: 18.30 — «Ахборот» информатсион программаси, 18.45 — Ренклар, 18.50 — «Асов Кўра дареси» (Бадий фильм) 20.20 — Қўрсатулар программаси.

Ўзбек тилида: 20.30 — «Ахборот» информатсион программаси, 20.45 — КПСС Марказий комитети июль пленуми қарорлари амалда! «Ноз-немаат бунёдкорлари» программаси, 21.15 — Н. зомий номидида Тошкент педагогика институтини татар тили факультети бадий ҳаваскорларининг концертти, 21.55 — Янгиликлар, 22.00 — Ленинизм-дарвинизм байроғи, 22.15 — Съезддан — съездгача. «Пойтахтимизнинг янги райони».

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — Москва кўрсатиди. ТОШКЕНТ КҲРСАТИДИ

Ўзбек тилида: 18.00 — «Тонги буйруқи», «Заставасиз чегара» (кинофильмлар), 18.25 — «Гуноҳ, нор фаришта» (Бадий фильм).

20.00 дан — Москва кўрсатиди.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КҲРСАТИДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — «Дарлар чегарасида» «Анъаналар» (кинофильмлар).

Рус тилида: 20.20 — Телефильм 20.45 — «Дон Никит» (Бадий фильм), 20.20 — «Бугун — кеч, курун» (Фильм-концерт).

Театр

НАВОНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ

ДА — 17/IX да Травната 18/IX да Жизель.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/IX да Парвона, 18/IX да Уғир, ланган умр.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Совет Иттифон ва Болгария цирки усталирининг томошалари. УР-АТИЛАН АРСЛОНЛАРИН КАТТА АТТРАКЦИОН. Ургатувчи — РСФСРда хизмат кўрсатган артист ВЛАДИМИР БОРИСОВ. (Томошалар кеч соат 8 да бошла. Нади, Шанба кунлари: кундуз соат 3, кеч 8 да; яшнба кунлари: кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да томошалар кўрсатилади).

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Резидентнинг тақдирини — «СПУТНИК» (кундуз ва кечкурун), САНЪАТ САРОНИ (сертал соат 11: кеч 9 да).

Виннету апаллар йўлбошчиси — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 23 ИЛЛИГИ», «ВОСТОК», (кундуз ва кечкурун).

Отанининг сафари — «КОМСО. МОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечкурун).

Гайдулар қасоси — «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 30 ИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

Асунта, бехато от — САНЪАТ САРОНИ (кундуз ва кечкурун).

Сайқа — НАВОНИ номли (Ўзбек тилида, кундуз ва кечкурун).

Парад-алле — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечкурун).

ЕЗГИ БИНОДА
(Кеч соат 8 ва 10 да бошланади)

Резидентнинг тақдирини — «ФЕСТИВАЛЬ».

Отанининг сафари — «ХИВА», Малика — ТЕЛЬМАН номли.

«СРЕДНЕАЗТРАНССТРОЙ» ТРЕС. ТРЕСТИ БАЗАСИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН

ТОШКЕНТ ШАҲАР 84-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1970-71 УҚУВ ЯИЛИ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти 7—10 синф ҳам, мида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдагиларни қуйидаги муҳташамлар бўйича қабул қилади: гишт терувишлар, дурагдорлар, электр монтерлар, саноат усинуларини бўйича спесарлар (қўши муқдлати — бир йил), бўёқчи,сувоқчилар, пардозловчилар, бетончи-арматурчилар (қўши муқдлати — 2 йил).

Ўқувчилар ётоқхона, кийим, бош ва бепул овқат билан таъминланадилар.

Ўқиш даври узлуқсиз иш стажига қўйилади.

Кирувчилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, тарихнам ҳоли, характеристика, маълумоти ва туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (паспортлар, турар жойидан справка, 4 дона фотосурат (3×4)ларни топширишлари лозим).

Машигултолар—1 октябрда ва 1 ноябрдан бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Жарқўрғон кўчаси, 114-уй (15, 26, 30 автобусларнинг «СТО заводи» бекати).

Тошкент область кишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш ва сифати бўйича давлат инспекцияси администрацияси, партия ва насаб сўз таъшилотлари Бўна райони бўйича бош давлат инспектори З. Нехоқовга отаси

Исҳоқ МИРЗАКУЛОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирад.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП
Ўзбекистана, областного совета
депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ, ГСП, «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Рерактор—336495. Редактор ўринбосарлари—335885, 337916, Масъул секретарь—334808. Саноат, қурилиш ва транспорт—333786. Совет қурилиши—338761. Пропаганда, адабиёт ва санъат 331936. Кишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юрталари—339050. Партия турмуши, маҳаллий ахборот ва спорт—335811. Оммавий ишлар ва хатлар—334048. Эълонлар—338142. Коммугатор—330249. 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258.